



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН НОГИРОНЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИНИНГ БИР ГУРУХИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида Россия Федерациясида ўтказилган 2012 йилги жаҳон чемпионатида голибликни қўлга киритиб, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишда жасорат ва матонат намунасини кўрсатгани учун куйидагилар мукофотлансин:

#### «Дўстлик» ордени билан

**Умархаджаев Мавзурходжа** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси мураббийи

#### «Жасорат» медаллари билан

**Турсунов Нуритдин Джуревич** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоси  
**Хасанов Хакимжон Нархужаевич** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2012 йил 17 октябрь

## П. Драганов:

### «Ўзбекистон эришган ривожланиш даражаси бизда катта таассурот қолдирди»

Жорий йилнинг 12-14 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этган чет эл ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия миссияларига мазкур тадбир ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар.

#### Дунё нигоҳи

Жумладан, конференция қатнашчиларидан бири, **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо-сотик ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД) Бош котиби Петко Драганов** ушбу тадбир давлат муассасалари раҳбарлари ҳамда ишбилар-

мон доиралар ва фуқаролик жамияти вакиллари иштирок этган сермахсул анжуман бўлганини таъкидлади. «Шу сабабли ҳам, — деди у, — Тошкент конференцияси ҳар томонлама қизиқарли ва фойдали тарзда кечди».

(Давоми 2-бетда).

# Юксак салоҳият ва сифат эътирофи

Кеча Тошкент шаҳрида VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўз фаолиятини бошлади.



Жаҳон пахта бозорининг асосий иштирокчиларидан бири — Ўзбекистон мезбонлик қилаётган ушбу нуфузли форум соҳа мутахассислари ва трейдерлар, йирик савдо ва ишлаб чиқариш компаниялари вакиллари, шунингдек, иқтисодчи ва олимлар муҳим тадбирга айланди.



Сабаби, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан илк бор 2005 йилда ташкил этилиб, шундан сўнг ҳар йили аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида нафақат маҳсулот етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри савдо битимлари тузиш, балки унинг доирасида уюштирилаётган ялпи мажлис ва давра суҳбатларида қатнашиб, жаҳон пахта бозорининг бугунги ҳолати ҳамда истиқболларини атрофлича муҳокама қилиш, мамлакатимизда тўқимачилик саноатини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ўзгаришлар, хорижий инвесторлар учун яратиб берилган қулай бизнес муҳити билан яқиндан танишиш мумкин. Шу боис унинг нуфузи йил сайин юксалиб, иштирокчи давлатлар ва бизнес тузилмалари вакиллари сони ортиб бораёпти. Бу галги тадбирда дунёнинг 40

га яқин мамлакатидан пахта ва тўқимачилик саноатининг қарийб 1000 нафар намоёниси иштирок этаётгани бунинг яққол далилидир. — Кейинги йилларда жаҳон пахта бозоридан толаннинг баҳоси талаб ва таклифдан келиб чиқиб, ўзгариб турибди. Айрим мамлакатларда пахта майдонларининг қисқартирилиши, табиат инжиқликлари оқибатида ҳосилдорликнинг пасайиб кетиши кузатилмоқда, — дейди «Cotton Outlook» халқаро ахборот агентлигининг бошқарувчи директори Р. Батлер. — Аммо бу ҳолат ўзбек пахтачилигига салбий таъсирини кўрсатаётгани йўқ. Чунки қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида ҳар йили сифат кўрсаткичлари юқори ва рақобатбардош саноат хом ашёси етиштириляпти. Айни пайтда Ўзбекистон дунёда пахта етиштириш бўйича олтинчи, унинг экспорти борасида

учинчи ўринда эканлиги ана шундан далolat беради. Дарҳақиқат, республикаимизда йилга ўртача 3,5 миллион тонна «оқ олтин» етиштирилиб, ундан 1,1 миллион тонна тола олинади. Жаҳоннинг тўқимачилик ва энгил саноати ривожланган давлати борки, уни харид қилиш умидида юртимиз томон ошиқади. Негаки, ўзбек пахта толаси саноатбop бўлиб, толасининг узунлиги, пишиқлиги, ранги ва микронейр кўрсаткичларининг устуңлиги билан ажр-лариб туради. Бунга мустақиллик йилларида ғўзанинг истиқболли навларини яратиш, экин парваришида илм-фан ва техника ютуқлари, замонавий технологияларни жорий этиш, қайта ишлаш тизимини тубдан модернизация қилиш эвазига эришилди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

## Бизнинг интервью

Бугун Тошкент шаҳрида VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўз ишини бошлади. Дунё пахта саноатидаги йирик воқеалардан бири ҳисобланган мазкур муҳим тадбирда жаҳоннинг қирққа яқин мамлакатидан қарийб минг нафар меҳмонлар — нуфузли компаниялар, бизнес тузилмалар вакиллари, ишбилармонлар ва мутахассислар қатнашмоқда. Муҳабиримиз юртимизга ташриф буюрган халқаро форум иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.

## «Ўзбек пахта толасига харидормиз»

**Лианг ВЕНЙИНГ, «XinJiang YinLong» компанияси президенти (Хитой):**  
— Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстона муносабатлар узоқ тарихга бориб тақалади. Мамлакатингиз мустақилликка эришгандан сўнг ўзарo ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилиб, янада мустаҳкамланмоқда.

Шу ўринда таъкидлашни истардимки, Президент Ислом Каримов томонидан ҳаётга татбиқ этилган тараққиёт стратегияси давлатингизда ҳар қандай, ҳаттоки, глобал молиявий-иқтисодий кризис шароитида ҳам барқарор ривожланиш суруъатларини оширишда энг асосий омил бўлди. Бунинг элигини фаровонлиги тобора юксалиб бораётгани, иқтисодий тараққиотида қўлга киритилаётган ютуқлар яққол тасдиқлаб турибди. Тинч ва осойишта юрт, барқарор раванқ топаётган мамлакат билан ким ҳам яқиндан ҳамкорлик қилишни истамайди, дейсиз? Аллақачон аънанага айланган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бизга ана шундай имкониятни тақдим этаётгани билан катта аҳамият касб этади. Унда ҳар сафар қатнашиб, икки томонлама манфаатли келишувларга эришялмиш. Масалан, ўтган йили юқори сифатли, толаси пишиқ 160 минг тонна пахта хом ашёси сотиб олгандик. Бу йилги режамиз эса 200 минг тоннадан зиёд «оқ олтин»ни харид қилишдир. Биз, хорижий иштирокчиларга барча шарт-шароит яратиб берилгани ниятимизга ушалишига ишонч уйғотмоқда.

**Рёто КАРУБЕ, «Toyoshima» компанияси менежери (АҚШ):**  
— Бетакорор ва меҳмондўст Ўзбекистонга учинчи марта келишим. Ҳар гал меҳмон бўлганимда, бекиёс ўзгаришлар, янгиликлар устидан чиқаман. Айниқса, пойтахтингиздаги бири-бирдан обод ва кўркем манзиллар, гўзал хиёбонларни айланганини ҳеч қачон қанда қилмайман. Одамларнинг юз-кўзидоги самимият ва ёруғликдан завқ оламан. Бу эса бизнес-режаларимизни самарали амалга ошириш олдида менга қўшимча куч ва илҳом бахш этади. Компаниямиз, асосан, қишлоқ хўжалиги хом ашёлари, шу жумладан, пахта толаси савдо-сотиги билан ҳам шуғулланади. Юртингиз эса дунё пахта индустриясида етакчи ўринни эгаллаб бормоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистонда тўқимачилик инфратузилмаси йилдан-йилга жадал тараққий топиб, бу ерда ишлаб чиқарилаётган тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар бренд даражасига кўтарилмоқда. Шу боис ҳам бу борадаги экспорт салоҳиятингиз ошиб бораёпти.

(Давоми 2-бетда).

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

### Хоразм

Гурлан, Қўшқўпир, Урганч, Шовот ва Богот туманларидаги 10 та қишлоқ врачлик пунктига қўёш нурини электр энергиясига айлантириб берувчи, ҳар бирининг қуввати 3 кВт бўлган замонавий қурилмалар ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди.

### Қўёш нуридан электр қуввати

Бу усуналар бир пайтнинг ўзида иссиқ сув етказиб беришга ҳам мўлжалланган. Бундай қулайлик натижасида ҚВПларда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконияти янада кенгайди. Ушбу мақсадларга «Хоразм электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг қарийб 500 миллион сўмлик хомийлиги маблағлари сарфланди.

**О. РАХИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**

## Мамлакатимизда:

### Корхонанинг дастлабки одимлари

Навоий шаҳрида 30 турдан ортиқ тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Хосил гарови-ишончи» хусусий корхонаси иш бошлади.

#### Навоий

Бунинг учун маҳаллий инвесторнинг 410 миллион сўмлик сармояси ҳамда тижорат банкнинг 80 миллион сўмлик кредити жалб этилди. Пировардида 20 та иш ўрни яратилди. — Хитой, Япония каби давлатлардан замонавий тикув дастгоҳларини келтириб ўрнатдик, — дейди корхона раҳбари Мамаёқуб Назаров. — Қисқа фурсатда 33 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, ички бозорга чиқардик. Эндликда ўз фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида Италиянинг «Santoni» компанияси билан ҳамкорлик қилялмиш. Агар ушбу лойиҳа ҳам амалга ошса, қўшимча 40 та иш ўрни яратилади. Навоий шаҳрида тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва замонавий технологияларни жорий этиш орқали шу йилнинг 8 ойида 596,7 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланди.

**А. ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**

### Модернизация шарофати

Тошкент вилоятида айни пайтда йилга 15 минг тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга 34 та корхона фаолият юритмоқда.

#### Тошкент вилояти

Уларнинг аксарияти чорва фермер хўжалигида ҳам сутни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Корхона банкнинг 180 миллион сўмлик кредити ҳисобига илғор технологик линия ҳамда қадоқлаш усуналари билан жиҳозланди. 15 кишилик жамоа қисқа фурсатда 200

миллион сўмликка яқин маҳсулот тайёрлаб, савдо шохобчаларига етказиб берди. Умуман, жорий йил якунига қадар вилоятда янги ташкил этилган ва модернизация қилинган қайта ишлаш корхоналари сони 8 тага кўпаяди. Мазкур лойиҳалар рўёби учун 15,3 миллиард сўм миқдорида маблағ йўналтирилмоқда.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**

### ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда гўшт ва сут етиштириш ҳажми 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 7 фоиз ошди.

Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида худудларда ихтисослаштирилган озула хўжаликлар ташкил этилгани, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларига чорва моллари сотиб олиш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит ажратиш тизими йўлга қўйилгани тўғрисида маълумотлар сони кўпайиб, муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш бўйича ана шундай юқори ўсишга эришилди.

### Андижон

Андижон шаҳрида «Аэропорт — Жаҳон бозори» йўналиши бўйлаб 24 та «Isuzu» автобуси қатнови йўлга қўйилди.

### Шаҳарда янги автобуслар

Мазкур лойиҳа «ГАВС» масъулиятли чекланган жамияти томонидан амалга оширилди. Транспорт воситаларини харид қилишда «Ўзавтосаноатлизинг» компанияси билан тузилган лизинг шартномаси қўл келди. — Ушбу қулайликдан шахримиз аҳолиси ва меҳмонлари жуда мамнун, — дейди йўловчи Гулнора Юлдошева. — Автобуслар янги ва замонавий. Қолаверса, йўл ҳақи ҳам бирмунча арзон. Айтиш жоизки, шу кунга қадар «ГАВС» мутасаддилари томонидан 50 та ана шундай русумдаги автобуслар сотиб олинган бўлиб, улар вилоят марказида йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатмоқда.

**С. УСМОНОВА.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



# Юксак салоҳият ва сифат эътирофи

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Юртимизда селекциячи олимлар томонидан гузанин 162 та нави яратилган бўлиб, улардан 45 таси давлат реестрига киритилган. Асосий майдонларда табиий иқлим шароитида мос, эрта-пишар, серхосил, тола чиқishi ва сифати юқори, шунингдек, шурлиниш ҳамда гуқроқчиликка чидамли ушбу навлар парваришланаётгани муваффақиятлар омили бўлаётган. Етиштирилган қимматбахо ҳосил ёгин-сочинли кунларга қолдирилмай, сифатли йиштириб олинмоқда. Бу, ўз навбатида, ўзбек пахта толасининг жаҳон бозоридagi мавқеини оширмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, тола баҳосини белгилашда сифат энг бирламчи омил ҳисобланади. Шу маънода, юртимизда наинки пахта етиштириш, балки уни тозалаш тизимига инновацион ишланмалар жалб этилиб, ишлаб чиқариш модернизация қилингани эътиборга моликдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги «2007 — 2011 йилларда пахта тозалаш санюати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги қарори ушбу жараёнда дастурий-амал бўлди. Гап шундаки, мазкур ҳужжатга мувофиқ, ўтган даврда 40 дан зиёд пахта тозалаш заводларида модернизациялаш лойиҳалари муваффақиятли бажарилган, ишлаб чиқариш қувватлари 22 фоиздан зиёд кўтарилди.

Тадбирда сўзга чиққан Халқаро пахта ассоциацияси президенти А. Эстив, «Cotton Bangladesh» халқаро агентлигининг бош муҳаррири К. Ахсан, Тианжин пахта биржаси директори Би Южуан (Хитой), Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари халқаро федерацияси

бошқарув кенгаши (ITMF) аъзоси, «Ритер АГ» компанияси раиси П. Гнеги ва бошқалар иқтисодиётимизнинг жадал суръатларда ривожланиб бораётган ушбу тармоғида кўлга киритилган ютуқларни юксак баҳолади. Айниқса, Ўзбекистонда санюат-тоб пахта етиштириш, хом ашёни сифатли қайта ишлаш, маҳсулотни кафолатли равишда етказиб бериш бўйича мустахкам тизим яратилгани ва у ўтган давр ичида ишончли ҳамкор сифатида ўзини кўрсата олгани

шартнома тузиш, маҳсулотни етказиб бериш масаласини ҳал этиш учун барча шарт-шароит яратилган.

— Бизнинг компаниямиз тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, илгари зарур хом ашёни Хитой, Бангладеш ва Покистондан сотиб олар эдик, — дейди Франциянинг «Tisseray & Cie» компанияси савдо ишлари бўйича директор Кирилл Вандерберг. — Эндиликда фақат ўзбек пахта толасидан тайёрланган тайёр ва ярим-

Етиштирилган хом ашёни чуқур қайта ишлаш, қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш тўқимачилик санютида олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Шу мақсадда соҳага хориж инвестицияси жалб этилиб, замонавий корхоналар барпо қилинаёпти. Зеро, бугунги кунда республика-мизда 2200 та энгил санюат корхонаси фаолият кўрсатаётган бўлса, шундан 280 таси «Ўзбекен-гилсанюат» давлат-акциядорлик компанияси тизимидаги йирик ишлаб чиқариш субъектидир.

Шу ўринда айтиш жоизки, ҳар йили кўплай янги қувватларнинг ишга туширилиши ҳисобига «оқ олтин»ни ўзимизда қайта ишлаш ҳажми ҳам тобора ошиб бораёпти. Эътибор беринг, мустақилликнинг дастлабки йилда пахта толасининг атиги 7 фоизи қайта ишланган бўлса, 2011 йилга келиб, бу кўрсаткич 40 фоизни ташкил қилди. Мутахассисларнинг айтишича, ушбу миқдор яқин йилларда 70 фоизга етказилиши кўтилаётган.

VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг биринчи иш кунда «Ўзбекенгилсанюат» ДАК қошидаги «Шарқ либослари» дизайнерлик маркази томонидан яратилган либослар, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намойиши ҳам бўлиб ўтди. Бу ишлаб чиқарувчиларга қўшимча савдо йўлақларини очиб, янги ҳамкорлар топишга хизмат қилиши мумкин.

VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

Саид РАҲМОНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири,  
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# «Ўзбек пахта толасига харидормиз»

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Айни чоғда ўзбек «оқ олтин» толаси сифат жиҳатидан ниҳоятда юқори, санюаттоб. Унинг харидорлари жуда кўпчилигини сабаби шунда. Уларнинг сафида биз ҳам Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида бир қатор шартномаларни имзолаш, ҳамкорликни кучайтиришга интиломдамиз. Қисқара-ча айтганда, ўзбек пахта толасига харидормиз. Бунни ҳамкасбим жаноб Кристоф Бараника ҳам тасдиқлаши мумкин.

**Кристоф БАРАНИКА,**  
«Toyoushima» компаниясининг Париж офиси президенти (Франция):  
— Шубҳасиз, ўзбек пахта толасининг нуфузи, айниқса, Европада юқори. Бу бежиз эмас, албатта. Мамлакатинида аграр тармоқни модернизация қилиш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш самаралари пахтачиликда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Масалан, табиий иқлим шароитига мос, эртапишар навлар яратиш, пахта етиштириш технологиясига илгор инновацияларни жорий этиш йўлида амалга оширилаётган ишлардан таниқли нашрлар, электрон журналларда берилган мақолалар орқали яхши хабардормиз. Ҳар йили юқори савияда таш-

киллаштириб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида бунга ўзимиз бевоқиф гувоҳ бўлялмиш.

Ўзбек пахта толасининг кўплай хусусиятлари — узунлиги, ранги, пишқлиги, микронейр кўрсаткичлари аъло даражада. Қолаверса, дидерингизда етиштирилган «оқ олтин»нинг калта толарининг кўрсаткичлари паст даражада эканлиги ундан олинмаган маҳсулот микдорининг ошшига замин яратади. Бу эса харидорларни ўзига оҳанрабодек тортмасдан қолмайди, албатта.

Биновбарин, ниятимиз — ўзбекистонлик шерикларимиз билан манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш. Ишончим комилки, ярмарка якунида улар билан самарали шартномалар имзолаганимиз ҳақида сизга тўқинлашиб гапириб бераман.

Ўзбекистондаги тараққиёт суръатлари, халқининг турмуш фаровонлиги эса бундан-да юксалаверсин.

**Живиле ПАЛЮКЕНЕ,**  
«Logiorolijos vagonai» компаниясининг тижорат ишлари бўйича директори (Литва):  
— Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кўплай салмоқли ютуқларга эришаётган давлат сифатида жаҳон миқёсида мудом

эътироф этиб келинмоқда. Булар билан интернет манбаларида бериб борилаётган маълумотлар асосида доим танишиб бораман. Хусусан, охириги икки йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган йирик симпозиумларда мамлакатининг соғлиқни сақлаш, таълим тизими ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақидаги улкан муваффақиятларга эришаётганига юқори баҳо берилди, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, мутахассислар юртингизда бу борада олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишишди. Аслида ҳам, жамиятининг барқарор ривожланишига эришишида давлатнинг раҳбари томонидан ушбу ҳаётбахш соҳаларга қаратилган катта эътибор ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон иқтисодиёти, шу жумладан, логистика тизими истикболлари тобора кенгайиб бораётгани мисолида ҳам ана шундай изчил янгиланишларни кўриш мумкин. Бу эса бугунги соғлом рақобат муҳити тобора кучайиб бораётган замонада аниқ мўлдошидир.

Биз ҳам VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасига катта мақсад билан келганмики, унинг рўёбга чиқишидан манфаатдормиз.

«Халқ сўзи» мухбири  
Саиджон МАХСУМОВ эътибор олди.

# Миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари кўмитаси томонидан халқаро нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларига бағишланган семинар ташкил этилди. Унда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, етакчи ҳуқуқшунос олимлар ҳамда экспертлар қатнашди.

## ■ Парламент ҳаёти

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш халқаро ҳуқуқ субъекти бўлмиш давлатларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу жараён халқаро шартномалар нормалари ва қоидаларнинг миллий қонунчиликка уйғунлаштирилишини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий ҳаракатлар тизимини, яъни тузилган халқаро шартномаларни амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий база яратишини аниқлаштирилади. Бундан ташқари, имплементация тизими мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда халқаро шартномаларни амалда қўллаш учун зарур шароитлар яратилишини назарда тутди. Бу суверен давлатларга нафақат ўз халқаро-ҳуқуқий мажбу-

риятларини, балки бошқа давлатлар ва умуман, халқаро ҳамжамият билан ўзаро муносабатларда ўз ҳуқуқларини аниқлаш ҳамда мустаҳкамлаш имконини беради.

Семинарда қайд этилганидек, Ўзбекистон ўз мустақил ташқи сиёсий йўлини амалга ошириб, айни пайтда халқаро шартномаларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини изчил рўёбга чиқариб келмоқда. Булар, аввало, давлатнинг миллий манфаатларини халқаро майдонга олиб чиқиш ва ҳимоя қилиш, халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, минтақада ҳамда бутун дунёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича қўйилган мақсадларга эришилишини таъминлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, мамлакатимиз бугунги кунда 190 дан ортиқ универсал хусусиятдаги халқаро кўп томонлама шартнома-ларда иштирок этмоқда, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан, шу жумладан, муносабатларнинг турли соҳаларида ҳамкорлик қилиш бўйича давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро бир неча мингта икки томонлама шартнома тузган.

Анжуманда таъкидланганидек, Ўзбекистон БМТ Мингйиллик ривожланиш декларацияси ва бошқа халқаро конвенцияларнинг қоидаларини сўзсиз бажаришга қаратилган ҳуқуқий ҳамда институциявий чора-тадбирларни изчиллик билан амалга оширмоқда.

Семинар иштирокчилари халқаро конвенциялар нормаларини миллий қонунчиликка жорий этишнинг механизмлари ва уни рағбатлантириш масалалари бўйича амалий тажриба алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

# Хусусий мулк дахлсизлиги

мамлакатимизда қонун ҳужжатлари билан тўлиқ кафолатланган

Юртимизда аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган кенг қўлмали иқтисодий ислохотларни амалга оширишда мулк билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар муҳим ўрин тутди. Шу боис давлат барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқлилигини ҳамда истеъмолчиларнинг иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини баб-баравар муҳофаза этади. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормаларида ҳамда миллий қонунчилик ҳужжатлари тизимида қатъий белгилаб қўйилган.

## ■ Қонун кучга кирди

Унга кўра, хусусий мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин. У давлат иқтисодий сиёсатининг асосий тамойилларини белгилайди ва унинг бозор муносабатларига асосланганлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Чунки хусусий мулк бозор муносабатларининг асосий иқтисодий манбаидир.

Бозор иқтисодиёти асосида ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, фақатгина иқтисодий жиҳатдан эркин фуқарогагина ҳақиқий мулк эгаси бўлиб, у ўз мулкни давлат билан қўллаш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда, шубҳасиз, муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Айтиш жоизки, мазкур Қонун хусусий мулкни ҳимоя қилишга оид асосий қоидалар, мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва шу бўйича юзага келган низо-ларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилишига оид моддалардан иборат.

Ушбу вазифаларни бажаришда, аввало, мулк ҳуқуқини амалга ошириш механизмининг ҳуқуқий асосларини яратиш, айниқса, унинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган ҳар қимнинг ўз хусусий мулкига эркин эгалик қилиш тамойилини мустаҳкамлаш бўлиб, бу борада бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган аҳамиятлидир. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашда, энг аввало, ўрта синф вакиллари — тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ва хусусий бизнес тузилмаларига тўлиқ имтиёз ва имкониятлар яратиш бе-

ҳамда ўз манфаатларини қўллаб эғалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасаруф этади. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли. У ўз мол-мулкидан ҳужалик фаолиятини ва қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиши, уни бошқа шахсларга эғалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун текинга ёки ҳақ эвазига бериши мумкин. Мол-мулкдан фойдаланиш фуқароларнинг, юридик шахслар ва қонун билан қўрилган манфаатларини бузмаслиги, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги керак. Барча мулкдорларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда тенг шароитлар таъминланади. Интеллектуал мулк объектларига бўлган мулк ҳуқуқларининг эгалари ва тижорат сирининг эгалари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланган ҳуқуқлар ва кафолатлардан фойдаланади.

**«Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир».**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасидан.

лигини янада мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Шу бўйича тайёрланиб, яқинда ҳаётга татбиқ этилган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда, шубҳасиз, муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Айтиш жоизки, мазкур Қонун хусусий мулкни ҳимоя қилишга оид асосий қоидалар, мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва шу бўйича юзага келган низо-ларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилишига оид моддалардан иборат.

Қонунга мувофиқ, мулкдор ўзига қараши мол-мулкка ўз хоҳишига кўра бериши мумкин. Мол-мулкдан фойдаланиш фуқароларнинг, юридик шахслар ва қонун билан қўрилган манфаатларини бузмаслиги, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги керак. Барча мулкдорларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда тенг шароитлар таъминланади. Интеллектуал мулк объектларига бўлган мулк ҳуқуқларининг эгалари ва тижорат сирининг эгалари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланган ҳуқуқлар ва кафолатлардан фойдаланади.

Демак, хусусий мулкнинг дахлсизлиги, аввало, хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари барча ҳуқуқий кафолат ва имкониятлардан кенг фойдаланиши, хусусий мулк манфаатларига ҳар қандай ноқонуний аралашиди ҳокимияти томонидан ҳимоя қилинишида ифодаланади.

Б. АБДУЛЛАЕВА,  
Р. АСҚАРОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари.

## ■ «Талаба — 2012»

Пойтахтимизда «Талаба — 2012» халқаро таълим кўргазмаси бўлиб ўтди.

# Халқаро таълим кўргазмаси

Мазкур тадбир мамлакатимиздаги «Нео-Консалтинг» таълим компанияси томонидан Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги «Темпус», «Эразмус Мундус» ва «Мэри Кюри» каби грант ва алмашинув таълим дастурлари, Британия Кенгаши ва Германия академик алмашинув хизматларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Кипр ва Малайзия каби давлатларда фаолият юритаётган халқаро университетлар вакиллари қатнашди.

Кўргазмада хориждаги олий ўқув юрталарига кириш имтиҳонлари, ўқиш жараёни хусусида маълумотлар тақдим этилди.

Алишер ЭРҒАШЕВ.

## П. Драганов:

# «Ўзбекистон эришган ривожланиш даражаси бизда катта таассурот қолдирди»

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

П. Драгановнинг фикрича, бундай халқаро тадбирларнинг ўтказилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қай даражада муҳимлигини, мазкур ҳажнинг ҳар қандай давлат, хусусан, Ўзбекистон иқтисодиётида аҳамиятини янада теран англаб етиш учун қулай имконият яратади.

«Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-ҳамон давом этаётган ҳозирги пайтда бу масала ниҳоятда долзарб бўлиб турибди, деб ҳисоблайман. Негаки, ўрта ва кичик корхоналар иқтисодиётнинг таянчи ҳисобланаши барчамизга маълум. Шундай экан, бундай корхоналар ривожланиши ҳамда давлат ҳимоясида бўлиши жоиз», деди у.

Экспертнинг сўзларига кўра,

давлат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга, ушбу жаб-ҳага ёшларни жалб қилиш ва янги корхоналарни яратишга қаратилган муайян чора-тадбирларни амалга оширмоғи лозим.

«Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг мамлакат яли ички маҳсулотигаги улуши тобора ўсаётгани кутатилишмоқда. Мазкур кўрсаткич 50 фоиздан ошгани диққатга сазовордир. Бундан ташқари, кичик ва ўрта бизнес соҳаси меҳнат билан банд аҳолининг 80 фоиздан ортиқ қисмини иш билан таъминлаётди. Истиклол йилларида мамлакатининг эришган ривожланиш даражаси бизда катта таассурот қолдирди. Шуниси аҳамиятлики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози умум-башарий иқтисодиётнинг се-

кинлашувига олиб келган бир вақтда, Ўзбекистон иқтисодиёти йилга ўртача 8 фоизлик ўсиш кўрсаткичларини намойён қилмоқда. Бундай юксали суръатлари, ўйлашимча, иқтисодиётни диверсификациялаш ва катта миқдордаги қўшимча қийматга эга ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш жараёни каби бирдек кўллаб-қувватланиши жоиз», деди П. Драганов.

Петко Драганов Ўзбекистон иқтисодиётининг келгусида ҳам юқори суръатлар билан ривожланишига ишончи комил эканлигини билдирди. У, шунингдек, ЮНКТАД ёш малакали ишбилармонларни ўқитиш ва тайёрлаш мақсадида Ўзбекистонга техникавий ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини ҳам маълум қилди.

«Жаҳон» АА.  
Женева

# Qishloq Qurilish Bank

Кейинги йилларда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар натижасида халқимиз турмуш даражаси, яшаш тарзи ва ҳаётий қарашлари тубдан ўзгарди. Айтилик, бугунги кунга келиб, олис қишлоқларимиз қиёфаси, уларнинг инфратузилмаси тобора яхшиланмоқда. Буларнинг бари юртимизда инсон манфаатларига қаратилган саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Таъкидлаш керакки, бу борадаги ишларда республикамизда фаолият

юритаётган тижорат банклари ҳам фаол қатнашмоқда. Жумладан, “Қишлоқ қурилиш банк” очик акциядорлик тижорат банки чекка ҳудудларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган молия муассасаларидан бири саналади.

“Қишлоқ қурилиш банк” ОАТБ фаолиятининг илк кунлариданоқ ўз хизматлари орқали аҳолининг барча қатламларини қамраб олишни асосий мақсад сифатида белгиланган эди. Уларнинг

ижросини таъминлашда эса Президентимизнинг бир қатор Фармон ва қарорлари, шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишлардаги маърузаларида иқтисодий таркибий ўзгартириш, унинг етакчи тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш бўйича қўйилган вазифалар муҳим омил бўлаётир.


## «Қишлоқ қурилиш банк»:

# АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИгини ЮКСАЛТИРИШ Йўлида

Ўтган тўққиз ой мобайнида банкнинг умумий капитали йил бошидагига нисбатан 3,1 фоиз ошиб, 215,4 млрд. сўмни ташкил этгани, шаклландан устав капитали эса 171,1 млрд. сўмдан иборат бўлиб, унинг соф активлари 1 триллион 522,6 млрд. сўмга етказилгани фикримиз тасдиқидир. Бунда, табиийки, банкнинг жойлардаги 42 та филиали ва 280 дан ортиқ шох-бочаларида 322 миңдан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга кенг қўламли банк хизматлари кўрсатилаётгани айни муддао бўлмоқда.

Шунингдек, банк томонидан давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, ресурс базани мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада 2012 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, банкка жалб қилинган депозитлар ҳажми 1 триллион 276,5 млрд. сўмни ташкил этиб, маъмурият кўрсаткичи йил бошидагига нисбатан 34,6 фоиз ўсди.

ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг асосий кўрсаткичлари ўсиши динамикаси (млн. сўм)



## Ишбилармонлик учун имтиёзли кредит

**Албатта, бундай барқарор ўсиш суръатлари банкнинг бошқа хизматлари, хусусан, кредитлаш имкониятларини янада кенгайтиришга замин яратди.**

Масалан, йирик корпоратив миқозлар билан йўлга қўйилган мустаҳкам ва ишончли ҳамкорлик туфайли банкнинг кредит қўйилмалари йил бошидагига нисбатан 279,2 млрд. сўмга ошди, 1 триллион 193,3 млрд. сўмга етди. Кредит қўйилмаларининг 1 триллион 055,8 млрд. сўми ёки 88,5 фоизи узоқ муддатли, 137,5 млрд. сўми ёки 11,5 фоизи қисқа муддатлидир. Уларни тармоқлар бўйича таҳлил қилсак, саноатга 95,1 млрд. сўм, савдо ва маиший хизмат кўрсатишга 78,7 млрд. сўм, қурилиш ҳамда транспортга 123,9 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига 38,1 млрд. сўм миқдоридан сармоя йўналтирилгани маълум бўлади. 772,4 млрд. сўмлик маблағ эса аҳолига имтиёзли ипотека кредити сифатида берилди.

Шу билан бирга, миқозларга Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан, қарийб 30,7 млрд. сўм, 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини

рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 44,1 млрд. сўм ажратилди.

Банк жамоасининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида амалга оширган ишлари ҳам диққатга сазовор. Жумладан, банк томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида “Менинг бизнес гоям” кўрик-танлови ташкил этилиб, яқунда 15 нафар коллеж битирувчисига 140,7 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилиши бўйича сертификатлар топширилди.

Умуман олганда, банкнинг кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз маблағлари ҳисобидан ажратган кредитлари ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига таққослаганда, 48,5 млрд. сўмга ортиб, 200,6 млрд. сўмни ташкил этди. Барча манбалар ҳисобидан берилган сармоялар эвазига эса 6 231 та иш ўрни яратилди.

**Банкда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унда оилалар, хусусан, ёш оилаларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, ёшларнинг ўз соҳаси бўйича етук мутахассис бўлиб етиштирилиши учун қулайликлар яратиш сингари муҳим жиҳатлар қамраб олинган.**

## Давлат дастури — амалда

Шунга мувофиқ, ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш, уларни қулай ва шинам уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида йил бошидан буён 30,6 млрд. сўм, олий ўқув юрталарига контракт тўлови асосида қабул қилинган ёшларга 1 млрд. 754,2 млн. сўм миқдоридан таълим кредитлари ажратилди. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш учун уларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришга 2 млрд. 672,8 млн. сўм миқдоридан имтиёзли микрокредитлар берилди. Оилавий тадбиркорликни, шу жумладан, аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кредитлар ҳажми эса 21,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Банк томонидан иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини модернизация қилиш ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадида 82,3 млрд. сўмдан ортиқ инвестиция кредитлари ажратилиб, 843 та иш ўрни яратилди. Бу — ушбу йўналишда белгиланган режа кўрсаткичлари ортиғи билан урдаланди, деганидир. Мисол учун, Андижон вилоятидаги тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Nil Granit” масъулияти

чекланган жамиятига бино ва иншоотлар сотиб олиш учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1 млрд. 500 млн. сўм миқдоридан кредит ажратилди. Унгача жамиятда меҳнат қилаётган 96 нафар ишчи томонидан бир кунда ўрта-

**Ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш, уларни қулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида йил бошидан буён банк томонидан**

# 30,6

**млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.**

ча 3000 дона, йилига эса 900 миңга яқин эркаклар ва аёллар кийим-кечаклари тикилар эди. Берилган сармоя эса унинг фаолиятини янада кенгайтирди. Яъни бу ерда кунлик иш ҳажми 4000 донага етказилиб, қўшимча равишда 20 киши ишга жалб қилинди. “Қорақалпоқ автосервис” масъулияти чекланган жамияти шу кунларда иш бошлаш арафасида. Мазкур жамиятнинг автомобилларга газ қуйиш шохбча-

си қуриш лойиҳаси ҳам банк мутахассислари томонидан қўллаб-қувватланиб, Хусусий секторни ривожлантириш Ислоҳ корпорациясининг молиялаштириш линияси ҳисобидан 440 миң АҚШ доллари миқдоридан маблағ ажратилди. Ушбу маблағ эвазига хориздан замонавий газ қуйиш ускуналари харид қилиниб, айни пайтда бу ерда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Сурахондарё вилоятида фаолият юритаётган “Минор Голиб Бизнес Сервис” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам аҳолига транспорт хизматини кўрсатиш мақсадида 5 дона “Исузу” автобусини сотиб олиш юзасидан қилган мурожаати қаноатлантирилиб, жамиятга 348,9 млн. сўм миқдоридан сармоя ажратилди.

Айни пайтда “Қишлоқ қурилиш банк” ОАТБ билан ҳамкорлик қилиб, ўз бизнесини жадал йўлга қўлаётган бундай тадбиркорлик субъектларини республикамизнинг барча ҳудудларида учратиш мумкин. Муҳими, уларнинг бундай иш тутуми “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни тўла рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўша-пти.

## Кафолатли хизмат — ҳамкорлик асоси


**Банк жамоаси, шунингдек, нақд пул муомаласини такомиллаштириш, унинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, банкдаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловлари узлуксизлигини таъминлаш ва кафолатли омонат турларини жорий қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.**

Бунда банкнинг аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга янада кўпроқ жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқилган миллий валютадаги доимий 15, хорижий валютадаги 8 турдаги банк омонатларига қўшимча равишда миллий валютада 22 та янги, юқори фойзли омонат турлари миқозларга тақлиф этилгани, айниқса, қўл келаяпти. Бунинг

натижасида банк омонатчилари сони 61 миң нафардан ошди, уларнинг банкдаги қўйилмалари 88,2 млрд. сўмни ташкил қилди.

Муомалага чиқарилган банк пластик карточкаларининг умумий сони 221 438 тадан ошган бўлса, терминаллар сони 4 709 тага етди. Йил охиригача эса яна 1000 дона мобил терминал ва 50 000 дона банк пластик карточка-

Банкнинг корпоратив ва ҳақана хизматларидан фойдаланувчилар сонининг ўзгариши



сони муомалага чиқариш мўлжалланаётганини инботга олсак, банкда миқозларга қулайлик яратиш, уларга замонавий технологиялар ёрдамида сифатли хизмат кўрсатиш ишлари янада юқори даражага кўтарилганини аниқлаш қийин эмас.

“SmartVista” технологиясига асосланган “EMV” стандартидаги тўлов тизимининг ишга туширилиши эса банк миқозлари учунгина ҳам янгилик бўлди. Айни пайтда ушбу тизимдаги пластик карточкалар сони 7499 та этиб, банкнинг барча савдо терминаллари шунга мос зарурий дастурлар билан таъминланди. Ҳозирги пайтда савдо терминалларидан “SmartVista” технологияси бўйича “on-line” режимида тўловлар амалга оширилиши учун “СВМА 450” стандартидаги моделларни етказиб бериш ва сошлаш ишлари якунланмоқда.

Бундан ташқари, “SmartVista” пластик карточкалари эмиссия қилиш, улар би-

**Бугунги кунда республикамизнинг қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларга шундай таъриф берилаётгани бежиз эмас.**

## Замонавий ва шинам уйлар


Зеро, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламли кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан барпо этилаётган ҳар томонлама қулай ва барча шарт-шароитга эга турар-жойлар нафақат қишлоқларимиз қиёфасини, балки бу ерда яшаётган аҳолининг кайфиятини ҳам ўзгартириб юборди.

“Қишлоқ қурилиш банк” айнан ушбу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш мақсадида ташкил этилган молия муассасаси бўлиб, ўтган даврда банк томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2009 — 2011 йилларда 15047 та уй-жой қурилиши учун аҳолининг 405,2 млрд. сўмдан зиёд ҳамда марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан қарийб 650,9 млрд. сўм миқдоридан имтиёзли ипотека кредитлари ажратилгани фикримиз тасдиқидир.

Президентимизнинг 2012 йил 11 январдаги “Осиё тартиқли банкни иштирокида “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш лойиҳасини кўп траншли молиялаштириш дастурини амалга ошириш бўйича дастлабки чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида 2012 — 2015 йилларга мўлжаллаб тасдиқланган дастурга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан банк ўртасида 200 млн. АҚШ доллари эквивалентига тенг ОТБ кредит линияси маблағларини жалб қилиш

миқдоридан сармоя ажратилди. Айни пайтда “Қишлоқ қурилиш банк” ОАТБ билан ҳамкорлик қилиб, ўз бизнесини жадал йўлга қўлаётган бундай тадбиркорлик субъектларини республикамизнинг барча ҳудудларида учратиш мумкин. Муҳими, уларнинг бундай иш тутуми “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни тўла рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўша-пти.

Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар сонининг динамикаси



бўйича шартнома имзоланган. Айни пайтда уни ўзлаштириш бўйича чоралар қўрилаётгани бу борадаги ишлар келгусида ҳам изчил давом эттирилишидан далолатдир.

Жорий йилда эса республикамизнинг 272 та қишлоқ массивида 8510 та замонавий тураржой қурилиши белгиланган бўлиб, ҳозирги кунда улар барпо этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Мазкур уйларнинг умумий қиймати 905,9

млрд. сўмдан иборат бўлса, шундан 535,4 млрд. сўми “Қишлоқ қурилиш банк”нинг имтиёзли ипотека кредитлари, 301,6 млрд. сўми Осиё тартиқли банк, 370,5 млрд. сўми эса аҳоли маблағларидир.

Бу уйларнинг сифатли қурилишида яқна тартибда уй-жой қуриш учун пудрат ташкилотларини аниқлаш юзасидан танлов-савдолари ўтказилаётгани муҳим омил бўлаётир. Шу боис жорий йилнинг май-июль ойларида жами 8510 та уй-жой бўйича пудрат ташкилотларини аниқлашга доир 7 фазадан иборат танлов бўлиб ўтди. Пировардида танловда ғолиб чиққан 834 та пудрат ташкилотига 8479 та уй-жой қурилишини молиялаштириш мақсадида 2012 йилнинг октябрь ойига қадар 435,1 млрд. сўм миқдоридан сармоя берилди.

Жорий йилда банкнинг хорижий кредит линияларини жалб қилиш борасидаги ишлари янада фаоллашди. Жумладан, “Қишлоқ қурилиш банк” ва Хусусий секторни ривожлантириш Ислоҳ корпорацияси ўртасида 2012 йилнинг 3 апрелида имзоланган қўшимча келишувга биноан, жами 11 000,0 миң АҚШ доллари миқдоридан молиялаштириш линияси доирасида 6 242,0 миң АҚШ доллари ўзлаштирилди.

Банкда миқозларнинг экспорт-импорт шартномаларига хизмат кўрсатиш борасида ҳам изчил чора-тадбирлар қўрилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг тўққиз ойида жами 399,3 млн.

АҚШ долларилриқ 316 та импорт шартномаси рўйхатга олинди, улар бўйича 49,9 млн. АҚШ доллари миқдоридан тўловлар амалга оширилди.

Бундан ташқари, шу даврда экспорт қилувчи миқозларнинг жами 274,7 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 56 та экспорт шартномаси рўйхатга олинди, улар бўйича миқозлар ҳисобига валюта тушуми 34,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Таъкидлаш керакки, “Қишлоқ қурилиш банк”да қўлланилаётган бундай замонавий хизматлар ва юксак

иқтисодий салоҳият унинг молия бозоридан тутган мавқеини халқаро доирада ҳам мустаҳкамлаяпти. Бунга мисол сифатида биргина “Moody’s Investors Service” халқаро рейтинг агентлиги томонидан банкнинг молиявий барқарорлик рейтингини Е+, миллий валютадаги банк депозитлари рейтингини В2/NP, хорижий валютадаги банк депозитлари рейтингини В2/NP, барча рейтинглар прогнози эса “Ижобий” дея баҳоланганини айтиб ўтиш қийин.

Қолаверса, мазкур молия муассасасида ходимларни қайта тайёрлаш ва кадрлар захирасини яратишнинг замонавий усулларидан фойдаланилаётгани, бунинг учун Ўзбекистон Банклари ассоциацияси, Банк-молия академияси, Минтақавий банк ўқув маркази ва бошқа институтлар билан ҳамкорлик ўрнатилгани ҳам миқозларга тезкор хизмат кўрсатишда асқотмоқда.

Мухтасар айтганда, “Қишлоқ қурилиш банк” очик акциядорлик тижорат банкида амалга оширилаётган бу каби янгиликлар ва ислохотлардан қўлланган мақсад битта: миқозларга қўшимча қулайликлар яратиш, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш орқали уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, пировардида мамлакатимиз иқтисодийини янада юксалтиришдир.

Бугун — Темурийлар тарихи давлат музейи очилган кун

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, миллий ўзлигимизнинг асоси бўлган, шонли тарихимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва тарийб этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзи



Бугун халқимизнинг бунёдкорлик ишларида, миллий давлатчилигимиз равишида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳ хамнафасдир.

Биласиз, Соҳибқироннинг суронларда кечган ҳаёти, бунёдкорлик билан йўрилган фаолияти, салкам етти асрдир, оламни хайратга солиб келмоқда.

Шукри, бундай адолатсизлик узоқ давом этмади. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси ва бевосита бошчилигида буюк бобомиз фаолияти ва муборак номи юксак поғонага кўтарилди.

дира олади. Бу омиллар музейнинг қисқа вақт ичида халқимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари учун кутлуғ қадамжолардан бирига айланишига ундаган бўлса, ажаб эмас.

Ушбу даргоҳ бугунги кунга келиб, мамлакатимиздаги энг кўп томошабин ташриф буюрадиган маърифат маскани сифатида ҳам эътироф этилади.

Музейга ҳар йили Амир Темур таваллуду муносабати билан пир бу давлат отахону онахонлар, истиқлолнинг бахтли фарзандлари, кенг жамоатчилик ташриф буюришади.

Мухтасар айтганда, халқимиз фахру гурурига айланган, файзга бурканаётган ушбу маънавият масканидан таралган ёғду буюк аждодларимизнинг куч-қудрати, шижоатини акс эттириб, келажак авлод йўлини ёритиб тураверади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Халқаро турнирдаги муваффақият

Яқинда Москва шаҳрида таэквондо WTF бўйича "А" класс туркумига кирувчи "Россия Оупен — 2012" халқаро турнири бўлиб ўтди.

Спорт

Унда қирқ давлатдан келган минг нафардан зиёд спортчи соврилли уринлар учун кураш олиб борди.

нида ҳамюртларимиздан икки нафари совриндорлар сафидан жой олди.

Фазлидин АБИЛОВ тайёрлади.

«Қибрай» клиник санаторийси. Юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослашган шифтхонадир.

UzCaseService Tel.: 120-60-97, 120-74-50. NEW HOLLAND CONSTRUCTION E 215, NEW HOLLAND AGRICULTURE TL 100.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бозорининг яқунлари (2012 йил 9 ойлик натижаларига кўра)

Сугурта назарияси ва амалиёти шуни кўрсатадики, мажбурий сугурта давлат ва жамият учун муҳим бўлган соҳаларда татбиқ қилинади.

2008 йил 22 октябрда кучга кирган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўйича ҳозир ДАСК «Ўзагросугурта» (ОАЖ), ДАСК «Кафолат» (ОАЖ), «Ўзбекинвест» ЭИМСК, «Alfa Invest» ЕАЖСТ, «Kapital Sug'urta» ОАЖ, «Asia Inshurans» МЧЖ СК, «Alskom» ОАЖ СК, «Universal Sug'urta» ЕАЖ, МЧЖ «Ishonch» БСК компаниялари фаолият олиб бормоқда.

2012 йилнинг 9 ойи мобайнида республикамиз сугурта бозорига мазкур компаниялар томонидан жами мажбурий сугурта тури бўйича 1 195 354 донга сугурта полиси расмийлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 103,7 фоизни ташкил этади.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида, шунингдек, сугурта компаниялари томонидан жами 3 170 донга (82,4%), умумий суммаси 4 464,4 млн. сўмлик (95,9%) сугурта давволари қониқтирилиб, 62 донга (67,4%), умумий суммаси 122,6 млн. сўмлик (95,2%) сугурта давволари эса қониқтирилмасдан қолдирилди.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича асосий кўрсаткичлар сугурта компаниялари кесимида

Table with 10 columns: T/p, Sугурта компаниялари, Тузилган сугурта шартномалари сони (дона), Келиб тушган сугурта муқофоти (млн. сўм), Қониқтирилган сугурта давволари (млн. сўм).

Худудларга ййилган сугурта муқофотлари бўйича Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти етакчилик қилмоқда. Улар мутаносиб равишда сугурта бозорининг 20,1% ва 10,6% улушини эгаллаган.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича асосий кўрсаткичлар республикамиз ҳудудлари кесимида

Table with 10 columns: T/p, Худудлар, Тузилган сугурта шартномалари сони (дона), Келиб тушган сугурта муқофоти (млн. сўм), Қониқтирилган сугурта давволари (млн. сўм).

2012 йилнинг 9 ойи мобайнида сугурта компаниялари томонидан сугурта муқофоти бўйича 50 295 сугурталовчига 687,3 млн. сўм миқдориди сийловлар берилди.

Маълумотлар сугурта компаниялари ҳисоботлари асосида тайёрланди.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича Тўловларни кафолатлаш жамғармаси.

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ. Бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида тақлиф этади!

Аукцион савдоси 2012 йил 7 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

ОБ-ҲАВО (18 октябрь). Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида. Бухоро ва Навоий вилоятларида.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуничилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — Д. Улугмурадлов. Мусоҳахчи — Ш. Машраббоев.